

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг Хотин-қизлар билан ишлаш ва тарғибот гуруҳларини мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2024 йил 1-чораги давомида амалга оширилган ишлари тўғрисида маълумот

Дин ишлари бўйича қўмитанинг Хотин-қизлар билан ишлаш ва тарғибот гуруҳларини мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2024 йилнинг 1-чораги давомида ҳудудлардаги Тарғибот гуруҳи аъзолари ва отинойилар томонидан Республиканинг барча ҳудудларида, жумладан 5209 та маҳаллаларида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.



Шунингдек, Республика ички гуруҳи томонидан 2024 йилнинг 1-чорагида Тошкент вилоятининг 4 та (Зангиота, Тошкент, Қибрай, Янгийўл туманларидаги **267** та муаммоли маҳаллаларидаи бўлиб **8987 нафар** хотин-қизлар билан мавзуларда психологик-семинар-тренинг машғулотлари ўтказилиб, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганилди.

Ўтказилган тадбирлар давомида иштирок этган хотин-қизлар билан “Илмдан бошқа нажот йўқ”, “Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти”, “Соғлом она-соғлом фарзанд”, “Шукроналик ва тинчлик-олий неъмат” мавзуларида психологик семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди. Тадбир давомида “Аёл қисмати”, “25 кадр” ва “Тинчлик кадри” фильмлари намоиш этилди.



Хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган ижтимоий-маънавий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида бўлим томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга **“Маҳаллада оила фаровонлиги: Миллий қадриятлар ва одоб дурдоналари”**; **“Оила ва никоҳ муносабатлари мустаҳкамлигининг дунёвий ва диний асослари”** номли ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Республикадаги барча Тарғибот гуруҳи аъзолари ва отинойиларни диний ва дунёвий билимларини ошириш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси хузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари билан ҳамкорликда ҳар ойда 1 кунлик ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.



Шунингдек, май ойида Дин ишлари бўйича қўмитанинг Хотин-қизлар билан ишлаш ва Тарғибот гуруҳларини мувифиқлаштириш бўлими бошлиғи Ф.Абдурахимова ва Республика тарғибот гуруҳи аъзоси М.Қаҳҳаровалар томонидан Самарқанд ва Навоий вилоятларида 20 та маҳаллалар, 2 та умумтаълим мактаби, 2 та олий таълим муассасаларида **“Дунёвий давлат-эътиқодсиз давлат эмас”**, **“Қизлар авлод**

давомчиларидир”, “Эрта туғруқ ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари”, “Оилада фарзанд тарбияси” мавзуларида бир қатор тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тадбир давомида хотин-қизларни қизиқирган саволларига мутахассислар томонидан тушунтириш ва тавсиялар берилди.

